



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 11 май, шанба № 76 (1293)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ФИКРЛАР МУШТАРАКЛИГИ — АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ОМИЛИ

10 май куни Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Герхард Шрёдер ўртасида музокаралар бўлиб ўтди

Юксак мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан кейин бошланган ушбу мулоқот чоғида Ўзбекистон-Германия муносабатларининг бугунги ҳолати ва истисодий ҳамкорлик, иқтисодий ҳамкорлик, минтақавий хавфсизлик ҳамда Афғонистонни тиклаш ва тинч ҳаётга қайтаришга ёрдамлашишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ислон Каримов Германияни жаҳон иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи етакчи мамлакатлардан бири деб билишини, халқаро миқёсда тузилган аксилтеррор коалициясида унинг ўрни ва аҳамияти катталигини таъкидлар экан, Ўзбекистон бу давлат билан муносабатларини юксак даражада кадрлаштини қайд этди.

Германия Ўзбекистоннинг Фарбий Европонидаги энг йирик иқтисодий ҳамкорларидан саналади. Маълумотларга кўра, ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 283,3 миллион АКШ долларини ташкил этган. Германия Ўзбекистонда экспортни молиялаш йўналиши бўйича элликдан зиёд лойиҳада иштирок этипти. Бу лойиҳаларнинг умумий қиймати қарийб 1 миллиард АКШ долларига тенг. Бундан ташқари, мамлакатимизда элликдан зиёд Германия фирми ва компанияларининг ваколатхоналари, юз элликка яқин қўшма корхона муваффақият билан фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон ва Германия расмий делегацияларининг кенгай-



тирилган таркибдаги музокаралари чоғида ушбу кўрсаткичлар икки мамлакатнинг саноат ва саноатини даражасида эмаслиги таъкидланди. Ҳозирги вазиятда савдо, молия, сармоя жалб қилиш, техника ва технологиялар соҳаларида алоқаларни риш йўналишлари этиб белгилаш зарурлиги қайд этилди. Ўзбекистон томонидан энергетика, саноат ва транспорт соҳаларида алоқаларни риш йўналишлари этиб белгилаш зарурлиги қайд этилди. Ўзбекистон томонидан энергетика, саноат ва транспорт соҳаларида алоқаларни риш йўналишлари этиб белгилаш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатларда ГФРнинг федерал ерлари ва Ўзбекистон вилоятлари ўртасидаги алоқалар ҳам муҳим ўрин тутди. Шу кунгача Вестфалия, Саксония каби федерал ерлардан турли даражадаги кўплаб делегациялар Ўзбекистонга келиб

кетди. Худудий-маъмурий бириклар фақат иқтисодий ҳамкорлик билан чекланмади. Массалан, Берлин билан Тошкент биродарлашган шаҳарлар ҳисобланади. Ўзбекистонликлар Штутгарт, Дрезден шаҳарлари жамоатчилиги билан ҳам қалин муносабат ўрнатган.

Германия нафақат иқтисодий салоҳияти, балки сиёсий нуфузи ҳам юқори бўлган мамлакатдир. Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масаласига бағишлаб ўтган йилнинг ноябрида қақирилган халқаро конференция Боннда ўтказилгани бунинг бир исботидир. Бонн конференцияси Афғонистонни тинч ҳаётга қайтаришдаги биринчи салмоқли қадам сифатида тарихга кирди.

Афғонистондаги воқеаларга муносабат муштараклиги Ўзбекистон билан Германиянинг

сиёсий алоқалари янада кенгайишига олиб келди. Президент Ислон Каримов ҳамда канцлер Герхард Шрёдернинг январ ойида бўлган телефон сўзлашувидан кейин, Ўзбекистон инсонпарварлик операцияларини амалга оширишига ёрдамлашиш учун Германияга Термиз аэродромидан фойдаланишга рухсат берди.

Феврал ойида бу борада ҳужжатларро ҳужжат имзоланди. Ўзбекистоннинг ёрдамисиз Германия инсонпарварлик операцияларини ҳозиргидек кенг кўламда бажара олманган, аксилтеррор операциясига ҳозиргидек катта ҳисса қўша олманган бўлур эди. Музокаралар якунида бўлган матбуот анжуманида буни канцлер Г.Шрёдер очиқ эътироф этди ва Ўзбекистон билан Германиянинг кўллаб халқаро

миқёсдаги сиёсий масалаларга муносабати муштараклигини, ана шу муштараклик халқларимиз манфаатлари йўлида амалий ҳамкорлиги янада кенгайтириши лозимлигини қайд этди.

Ҳақиқатан ҳам, жуда кўп масалаларда икки мамлакатнинг қарашлари ўхшаш ё яқин. Хусусан, БМТни ислоҳ қилиш масаласида томонларнинг фикри бир жойдан чиққан. Президент Ислон Каримов мазкур ташкилот Хавфсизлик кенгаши доимий аъзоларининг сафини кенгайтириш, жумладан, унга жаҳон сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи Япония ва Германияни қўшиш таклифини илгари суриб келади.

Германия канцлери бундай ташаббус ва Термиз аэродромидан фойдаланишга рухсат бергани учун Ўзбекистон

раҳбарига миннатдорлик билдирди. Матбуот анжуманида музокаралар давомида демократия, бозор ислохотлари, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда сармоя муҳитини янада яхшилаш масалалари ҳам муҳокама этилган. Маълум қилинди. Г.Шрёдер ўзининг кунни кеча амалга оширилган Афғонистон сафари якунига тўхталиб, ушбу мамлакатда вазият барқарорлашга ёрдамлашишга ақсилтеррор коалициясининг операциялари, Ўзбекистон ва Германия каби давлатларнинг саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Шу билан бирга, мамлакатларимиз уюшган жиноятчилик, жумладан, наркобизнесга қарши курашдаги ҳамкорлигини янада кенгайтириши лозимлигини қайд этди.

раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Ислон Каримов, Германия Федерал Канцлерининг мазкур ташриф икки мамлакат муносабатлари ривожини ҳар томонлама рағбатлантиришга ҳизмат қиладиган муҳим воқеа бўлганини таъкидлади.

Шу билан Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Герхард Шрёдернинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф нияти ҳақидаги хабарларни эшитиб, Германиянинг ўзбекистонга қўша олган қўшма корхона муваффақият билан фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон ва Германия расмий делегацияларининг кенгай-

«Кейинги йилларда Хоразм вилоятида юз берган қургўқчилик ва сув тақчиллиги аҳолининг қишлоқ ҳўжалик экинларидан олаётган ҳосилларига салбий таъсир қилмоқда. Шундай шароитда Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгилаштириш тўғрисида»ги қарори Оролбўйи аҳолиси учун катта мадад бўлди.

Қарорда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисига яшаш, дам олиш, даволаниш шарт-шароитларини яратиш бериш, уларни имкон қадар ижтимоий муҳофаза қилиш алоҳида таъкидланган эди.

Шу муносабат билан газетамизнинг 2-саҳифасида Хоразм вилоятида амалга оширилган ишлар хусусида ҳикоя қиламиз.

МАТОНАТЛИ КИШИЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг Қарори бу борадаги умумий ишмиш учун фаолиятимизда дастуриламал бўлди. Унга мувофиқ илгари белгиланганига қўшимча равишда 1500 аёлни республика миқёсидаги сыхатгоҳларда соғломлаштириш учун касба уюшмалари кенг кўламда ташкилотчилик ишларини амалга оширдилар. Соғломлаштиришга юбориладиган аёлларни асосан кам таъминланган оилалардан танлаб олиш, уларни сыхатгоҳларга кўнгилдагидек бориб-қелишларини таъминлашга эришилди. Аҳамиятли томони — уларнинг сыхатгоҳ йўлланмалари, бориш-қелишлари бепул ташкил қилинди. Натижада юзлаб хотин-қизлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона водийсидаги сыхатгоҳларда даволаниб қайтидилар.

Хусусан, «Урганч газ узатиш» корхонасида ишловчи Муқаддас Аҳмедова, Фароғат Машарипова «Турон» ва «Чимён» сыхатгоҳларида даволанганларидан сўнг, ўзларини тетиқ ҳис қилётганликлари, умумий тиббий кўрикдан ўтиб, қўшимча даво муолажалари олганликларини билдирдилар.

Шунингдек, Хонқа туманидаги 38-мактаб ўқитувчиси М.Раҳимова, Шовот туманидаги «Соҳибкор» ширкат ҳўжалиги пудратчиси Курбонгул Абдуллаева, вилоят эндокринология маскан ишчиси Ойша Иброҳимовалар бундай эътибор ва меҳрибонлик учун Юртбошимизга, ҳукуматимизга, касба уюшмаларига катта миннатдорчилик билдирмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, соғломлаштиришга жўнатилган аёллар асосан ижтимоий ҳўймага муҳтож оилалардан ва сув тақчиллигидан кўпроқ зарар кўраётган туманлардан танланди. Жумладан, йўлланмаларнинг асосий қисми Қўшқўпир, Шовот, Хива, Гурлан, Янгибозор, Янгиарик туманларида яшовчи аёлларга ажратилди. Бу вазифани ба-

жаришга барча шаҳар ва туман ҳокимликлари, ҳўжалик органлари катта ёрдам бердилар.

Вилоят меҳнаткашларининг ижтимоий ҳўйма-ларини, ишловчилар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришни янада жонлантириш тadbирлари белгиланди. Массалан, кейинги йилларда бир қатор маҳаллий сыхатгоҳларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, Хонқа тумани худудидаги «Хонқа» кўп тармоқли сыхатгоҳи курилишининг ниҳоя-ланаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларга қарашли сыхатгоҳлар ишини яхшилаш, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш бўйича диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. «Урганчгаузатиш» корхонасининг «Хиллол» санаторийси фикримиз далилидир. Бу шифо масканида кейинги икки йилда барча бинолар тубдан таъмирланиб, жаҳон андозалари талабларига жавоб бериш даволаш асбоб-ускуналари, тиббиёт жихозлари билан таъминланди.

Шунингдек, Хонқа туманидаги «Автомобилчи», М.Абдуллаев номли санаторий-профилакторийларнинг моддий-техник негизини ҳўжаликлар ёрдами билан яхшилашга эришилди.

Бугунги кунда вилоятда мавжуд 8 та санаторий-профилакторийларнинг барчасида маъданли сув, балчик, бошқа табиий даволаш воситалари кенг қўлланилмоқда. Таъкидлаш лозимки, ҳозирда вилоятда меҳнаткашларини соғломлаштиришни янада яхшилашнинг катта имкониятлари мавжуд. Вилоят касба уюшмалари кенгаши маҳаллий ҳокимликлар, ҳўжалик органлари билан ана шу имкониятларни ишга солиш учун астойдил ҳаракат қилаяпти.

О. БОЛТАЕВ,
Хоразм вилояти касба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари.

ҚўШМА КОРХОНА БИЛАН ТАНИШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Герхард Шрёдер 10 май куни мамлакатимиз Бош вазир Уткир Султонов ҳамроҳлигида Тошкентдаги «Хобас-ТАПО» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасини бориб кўрди.

Халқ ҳўжалиги учун жуда зарур нометалл кувлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхона 2000 йили ишга туширилган. Энг юксак технологиялар асосида ишлайдиган бундай завод МДХда ягона. Шу боис унда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли маҳсулотларга жаҳон бозоридан талаб жуда катта. Бу эса унинг экспорт имкониятларини сўзсиз оширади. Яна бир асосий «маҳсулот учун ишлатиладиган хомашнинг афзал қисми мамлакатимиздан олинади.

Германия Федерал канцлери корхонада ишчилар учун яратилган меҳнат шароити, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари билан танишди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва экспорт имкониятларига юқори баҳо берди. Бундай қўшма лойиҳаларни кўпайтириш икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

(ЎЗА).

Бундан нақ йигирма бир йил муқаддам Носирхон Тўракулов Сарийосё туманидаги ҳозирги Гулат Хидиров номли ширкат ҳўжалиги раҳбари ҳузурига кириб борганда аллақачон эллик тўрт ёшни қоралаб кўйган эди.

— Нима, нафақага чиқмоқчимисиз? — сўради қабулига кирган кишини қўлидаги буклоғлик қозғони кўриб раис. — Хали эрта эмасми? Келгувчи мийғида кулди.

— Биласиз, — деди у гапни узокдан бошлаб, — ҳўжалигиниздаги боғлар раҳматлик отамга тегишли эди. Ниятим қаровсиз ётган адирликдан икки гектаргина лалми ер ажратиб берсангиз, боғ қилсам, деб келдим. Албатта, ўша пайтлари ҳам одамлар ижарага жой олиб, меҳнат қилиб,

унча-мунча даромадли бўлишар эди-ю, бироқ Носирхон каби кишиларга раиснинг ҳеч иши тушмаган эди. Ҳар қалай кулоқ бўлиб кетган одамнинг фарзанди-да, яхшилик қиламан, деб яна гап эшитиб қолса-чи?

Очиги, раис таваккал қилди. Бу ўзбошимчилиги учун у эгаллаб турган лавозимдан мосуво бўлиши ҳеч гап эмас эди. Яхшики, ижарачи сўзининг устидан чикди. Қаровсиз ер хаш-

Савоб ишни ҳар қим, ҳар куни қилиши керак

паш дегунча буй кўрсатиб, кўзга ташланиб қолди. Бог-бон ишни бошидан пухта

МАКТАБ ҚУРГАН БОБО

ўйлаб, бошлади. То олди ниҳоллар этга кириб, ҳосил бергунга қадар кўчатчиликни йўлга қўйди. Биринчи йилнинг фойдасидан пуртурдан кетган ҳўжалик идораси таъмирдан чиқарилди. Носирхон ҳам кам бўлмади, рўзгорини тиклаб олди, қолган қисмини яна ернинг ўзига сарфлади.

— Лекин, очигини айтсам, барибир кўнглимнинг бир чети ҳеч ёришмас, қулочни кенг ёзишининг имкони йўқлигидан кўп қис-

нардим, — дейди ўша кунларини эслаб бобо. — Ҳайрият, Ўзбекистон осмони

ҳотамтойлик қилди: 21 гектар боғиниға ўз ичига олиб, қолган қисмида шоғирдлари «Оқ печак» ва «Заргон» фермер ҳўжаликлари тузиб, мустақил ҳисоб-китоб юритишига имкон яратиб берди.

— Юртбошимиз мустақил мамлакатимизни боғу роғга айлантирайлик, деб кўйиб-пишиб ётибди, — деди у бир йиғинда. — Нега энди биз бунинг учун шарт-шароит бўла туриб, ўзимизни четга тортишимиз керак. Яна қўшимча ер ажратинлар, «Президент боғи»ни барпо этаман.

(Давоми 4-бетда).

ЭКСПОРТ МАҲСУЛОТЛАРИ ОРТМОҚДА

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Каустик сода заводида ишлаб чиқарилаётган хлор сувоқлигини қўшни Қозғонистон ва Туркменистон республикаларига экспорт қилиш бошланди.

Қорхона ташкил топгандан буюн хорижа 400 тоннадан зиёд хлор сувоқлиги жўнатилди. Шу йилнинг ўзида хориқлик бюрот-мачилар билан 6 минг тонна хлор сувоқлиги етказиб бериш борасида шартнома имзоланди.

Ўтган йилнинг тўртинчи чоракда ишга тушган каустик сода заводи Германиянинг «Лурги Ангеленбог Хемниц ГМБХ» фирмаси билан ҳамкорликда курилди. Лойиҳа қиймати 11,7 миллион сўмлик бўлган корхонада асосий маҳсулотдан ташқари хлор, туз кислотаси ва натрий гипохлорид ишлаб чиқарилимоқда.

(ЎЗА).

МУСТАҲКАМ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Хоразмликлар ҳукуматимизнинг катта амалий ёрдамини чуқур ҳис этмоқдалар

ВИЛОЯТ БОЛАЛАР ШИФОХОНАСИ

600 миллион сўм сарфланиб, жаҳон андозаларига жавоб берадиган тиббий масканга айлантирилди

Хоразм вилоят болалар клиник касалхонаси қисқа муддатларда мукамал таъмирланиб, жаҳон андозалари талабига жавоб берувчи тиббий шифохонага айлантирилди.

Орол фожеаси ту файли юзага келган кум-туз кўчклариди, 1999-2001 йиллардаги курғоқчилик Хоразм воҳаси аҳолиси учун ҳам қатор мушкулотларни келтириб чиқарди. Ҳосилнинг кут-баракаси қочди, кўп ерлар экилмасдан қолди, иқтисодиётнинг бирмунча заифлашуви кузатилди. Бу ҳолат худудда яшовчи аҳолининг соғлиғига ҳам салбий таъсир кўрсата бошлади. Ана шундай мураккаб бир шароитда ўтган йили Республика Вазирлар Маҳкамаси табиат қийинчиликлари, сув танқислигидан зарар кўрган Қорақалпоғистон ҳамда Хоразм вилоятига ёрдам кўрсатиш тўғрисида қабул қилган қарор айни муддао бўлди. Ушбу ҳужжатда бундан қарийб 40 йил муқаддам қурилган ва эндиликда яроқсиз ҳолга келиб қолган вилоят болалар касалхонасини мукамал таъмирлаш ишларини кучайтириш ва тезда ниҳоясига етказиш ҳам кўзда тутилган эди.

Тўғри, таъмирлаш ишларига 2000 йилнинг охирида вилоятдаги қатор корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар, фуқаролар муайян миқдорда маблағ ажратган эдилар. Лекин, касалхонани пухта таъмирлаш, янги, замонавий

тиббий асбоб-ускуналарини сотиб олишга бир неча юз миллион сўм маблағ талаб этилаётганди. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори асосида ҳукумат, Республика касаб уюшмалари Федерацияси, тегишли вазирилқлар томонидан ажратилган маблағлар таъмирлаш ва таъминот ишларининг жадаллашуви асос бўлди.

Бир воқеа ҳеч ёрдамдан чиқмайди. Қарор эълон қилинган кунларнинг бирида Хонқа туманидан табаррук ёшдаги бир кекса касалхонага келди.

— Ўғлим, мен Новхос қишлоғидаги «Наврўз» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи Машариф Қаландаров бўламан. Оиламиз билан 23 гектар ер олиб, фермерлик қиламиз. Шуқур, ишларимиз юришяпти. Касалхонангизни таъмирлашга ҳукумат, бутун эл-юрт ёрдам бераётганини эшитиб, техника сотиб олишни ният қилиб қўйган маблағдан уч юз минг сўмини шу хайрли ишга берай деб келдим. Мана, шу пуллар. Қайси банкка топширай?

Отага чуқур миннатдорчилик билдирдик.

Тез орада ҳукумат томонидан ажратилган 200 миллион сўм ҳам касалхонани таъмирлаш-жиҳозлаш ишларига йўналтирилди. Бош пудратчи ташкилот — Оролбўйи ягона дирекцияси, вилоятдаги йирик

қурилиш ташкилотлари бу ишга юқори малакали мутахассисларни жалб этишди.

Шу ўринда ушбу хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшган «Амударё» ҳавзаси бирлашмасига, Хоразм вилояти «Пахтасаноатсотиш», «Хоразмавтойўл», «Урганчтрансгаз», «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Хоразм дирекцияси, вилоят «Нефт маҳсулотлари», «Хоразмшакар», «Хоразмбозорсавдо», «Кока-кола ичимлиги», «Шовотдон», «Хонқадон», Урганч шаҳри ва туманидаги «Исмоил ўғли Арслон», «Султон марам» хусусий фирмалари каби бирлашма ва ташкилотлар сарҳадлари ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Умуман олганда, касалхонани таъмирлашга 600 миллион сўм сарфланди. 124 миллион сўмлик тиббий ускуналар сотиб олинди.

Эндиликда касалхонамизда 10 та бўлим фаолият кўрсатяпти. Тошкент 1-тиббий институти 4 та кафедрасининг фан номзодлари, профессорлари изланишлар олиб борапти. Япониядан келтирилган энг замонавий тиббий ускуналар бемор болаларга гоёта аниқ таъшиқ қўйиш ва даволашда жуда қўл келмоқда. Шифо маскани ҳукуматимизнинг Оролбўйи аҳолисига кўрсатаётган беқиёс ёрдамининг амалдаги бир кўринишидир.

Шавкат АВЕЗОВ,
вилоят болалар клиник касалхонаси бош шифокори.



«ЗАНГОРИ ОЛОВ» — БЕБАҲО ФАҚАТ УНДАН ТЕЖАБ-ТЕРГАБ ФЙДАЛАНАЙЛИК

«Хоразмгазтаъминот» шўба корхонаси вилоят аҳолисига узлуқсиз равишда газ етказиб бериш билан шуғулланади. Зеро, табиатнинг бу бебаҳо бойлиги бўлмиш табиий газ кундалик турмушимизда энг зарур воситадир. Шу боис, ундан тежамкорлик билан фойдаланиб, ҳуда-бехудага исроф бўлишига йўл қўймаслигимиз лозим.

Корхонамизда 1139 нафар ишчи-хизматчи ишлайди. Барчаси касаб уюшма аъзоларидир. Уларни ижтимоий муҳофаза қилишга асосий эътиборимизни қаратганмиз.

Шу мақсадда ҳар йили касаб уюшма кўмитаси билан жамоа шартномаси тузамиз ва шартларини тўла бажарамиз. Ишчи-хизматчиларимизни ижтимоий муҳофаза қилиш, айнаса, Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув таъминоти оқибатини энгиллаштириш тўғрисида»ги Қароридан кейин янада яхшиланди. Ушбу ҳужжат чиққандан кейин шўба корхонасида ўтган йилнинг ўзида ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга 3 миллион 100 минг

сўм ажратилди. Бу 2000 йилга нисбатан 2 баробар зиёда эди. Шўба корхонасининг 11 шаҳар ва туманлардаги бўлимлари яхши фаолият кўрсатиб турибди. Бу бўлимларда ҳам цех касаб уюшмалари тузилган. Вилоятдаги аҳоли масканларининг 93 фоизи газлаштирилган. Бу эса 188 мингдан зиёд хонадонни ташкил қилади. Шунингдек, вилоятдаги 3200 та халқ хўжалиги объектларига газ етказиб берилмоқда. Ҳукуматимизнинг юқоридаги қароридан кейин нафақага чиқаётган фахрийларимиздан 5 нафарининг жамоада кузатув маросимларини ўтказиб, уларга пул мукофотлари бердик. Айнаса, корхона техника базаси чилангарлари Фани Султонов, шофёр Саъдулла Аширов, Абдулла Ибодуллоев, ишчи Озод Машариповларнинг юбилей тўйлари сермазмун ўтди. Қариялар йили муносабати билан бу йил корхонамизда ишлаб пенсияга чиққан ишчиларга вилоят сиҳатгоҳларига бепул йўлланмалар беришни жамоа шартномасига киритганмиз. Наврўз байрами муносабати билан эса собиқ ишчи-хизматчиларни байрам дастурхонига таклиф қилиб, уларга совға-саломлар ҳада этдик.

Аҳоли хонадонларига газ етказиб беришда 6 минг километрдан зиёдроқ узунликдаги газ қувурлари ишлаб турибди. Уларга беминнат ёнилги 3859 та газ тақсимлаш қурилмалари орқали юборилади. Бу масъулиятли ишларни амалга оширишда «Хонқатумангазтаъминот» бўлимидан кўча тармоқлари хизмати чилангарлари Маммат Хайитов, Янгибозор тумангазтаъминот бўлимидан чилангар Равшан Ёқубов, янгиариқлик Хушнуд Отаназаров, урганчлик Олимбой Машариповларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Қиш ойларида ишлар шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан тасдиқланган тадбирлар асосида олиб борилди. Масъулиятли мавсум муваффақиятли яқунланди. Гурлан туманидан бошқа жойларда газ таъминотида узиллишлар деярли бўлмади.

Очиқ шароитда ишлайдиган ишчи-хизматчиларга маъмурият томонидан ҳар йили махсус кийим-бош бериб бораемиз. Бундан ташқари, янги уй қурадиган оилаларга жамоа шартномаларига биноан 50 минг сўм ёрдам пули ажратилапти. Ўтган йили корхонамизда ўртача иш ҳақи 24,6 минг сўмдан тўри келди. Маош мутта-

сил ўз вақтида бериб борилмоқда. Дам олиш, маънавият хоналари, теннис корти, чўмилиш ҳавзаси ишчи-хизматчиларга хизмат кўрсатяпти.

Ўтган йили ҳукуматимиз қарори асосида барча туман бўлимларида ҳам дам олиш, маънавият хоналари ташкил қилдик. Шўба корхона ишчи-хизматчиларининг ишга бориб-келишлари учун махсус автобус ажратганмиз.

Вазирлар Маҳкамасининг «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини мамнуният билан кутиб олдик. Қарор асосида тадбир ишлаб чиқилди. Тадбирда 3 йил ичида аҳоли хонадонларига юз фоиз газ ўлчагичлар қўйиш режалаштирилди. Массадга эришилса уйнинг дераза ва эшиклари газ горелкаси стандарт талабларига жавоб берса, 30-35 фоиз ёнилги тежаладиган бўлади. Шўба корхона қошида газ ўлчагичлар ўрнатиб берадиган ва уларнинг бузилганларини тузатадиган бўлим ишга туширилди.

Ш. САПАЕВ,
«Хоразмгазтаъминот» шўба корхонаси директори.

ИНВЕСТИЦИЯ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув таъминоти оқибатларини энгиллаштириш тўғрисида»ги қароридан 2010-йилгача бўлган давр мобайнида қишлоқ аҳолисини сифатли ичимлик суви билан

таъминлаш ниҳоятда долзарб вазифа эканлиги алоҳида уқтирилиб, уни адо этишининг йўл-йўриқлари кўрсатиб берилди. Шу мақсадда чет эл инвестицияси мазкур соҳага йўналтирилди ва жаҳон тараққиёт ва ривожлантириш банки ажратган маблағ ҳисобидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бошқармамиз тизимидаги бешта туман кор-

хоналари ҳисобидан бўлган 31 та ичимлик сувини қабул қилиб тарқатиш ишотлари Нидерландиянинг «Недеко» фирмаси назорати остида Хитой Халқ Республикасининг геомухандислик Корпорацияси томонидан қайта таъмирланиб, технологик ускуналар билан жиҳозланмоқда. Бу эса келгусида бошқармамиз иқтисодий салоҳиятини янада ошириб, аҳолига ичимлик суви етказиб бериш имкониятларини яхшиланишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Кейинги уч йил давомида жаҳон тараққиёт ва ривожлантириш банки маблағи ҳисобидан 22 та


ичимлик сув ташувчи автомобил ва 10 донна сигими 2000 литр бўлган полистирол идиш ва бошқа жиҳозлар сотиб олинди.

Шунингдек, бошқармамизда ҳисоб-китоб ишларини намунали амалга ошириш учун 18 та энг сўнги нусхадаги замонавий компьютерга эга бўлдик. Буларнинг ҳаммаси, табиийки, ишимизга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Вилоят «Қишлоқичимликсув» бошқармаси 11 тумандаги қишлоқ аҳолисини сув билан таъминлаб келмоқда. Бироқ қилинган ишлардан кўнглимиз тўлмаёпти. Айни вақтда қишлоқ аҳолисининг 55 фоизиги-

на ичимлик суви билан таъминланган, холос. Хоразм вилояти аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш учун ҳозирги пайтда юқорида айтиб ўтилган банк маблағи ҳисобидан, шунингдек, барча туман корхоналарини ўзаро бир-бирига боғловчи ягона алоқа тизимини барпо қилиш учун пул маблағи ажратилиб, белгиланган ишлар бoshланиш арафасида турибди. Ишонамизки, бу саъй-ҳаракатлар, албатта, ўзининг ижобий натижасини беради.

К. МАТРАСУЛОВ,
вилоят қишлоқ ичимлик сув бошқармаси бошлиғи.



Дил сатрлари

АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАГАН КАМ БЎЛМАС

Менинг ёшим 60 га яқинлашиб қолди. Узим мактабда 35 йилдан буён дарс берарман. Шу йиллар давомида турли қийинчиликларни, табиий офатларни бошдан кечирдик. Ёзги таътиллари ҳам ҳар доим меҳнат қилиш билан ўтказар эдик. Ўтган йили касаб уюшма ташкилоти раиси мени мактабга чақириб қолди:

— Гулчехра опа, сизни Тошкентга юборамиз, дам олиб, даволашни қайтинг, бепул йўлланма бор, - деса бўладими. Севиниб кетдим. Чунки мен ҳали умримда бирор марта ҳам сиҳатгоҳда дам олган эмас эдим. Оддий қишлоқ ўқитувчиси учун бу катта мадад эди. Тошкентда бизни махсус автобусларда «Турон» сиҳатгоҳига олиб боришди. Тиббий хоналарида соғлигимизни пухта текшириб чиқишди. Даволаш муолажаларини ола бошладик. Бизларни касаллигимиз бўйича илмий текшириш

институтига ҳам олиб боришди. Яъни, Буқоғи борларни эндиринология институтига, юрак қон-томир касаллиғи бор аёлларни юрак касалликлари институтига олиб бориб, аниқ таъшиқ қўйдириб келдилар ва шу асосда бизни даволай бошлашди. Ультратовуш асбобларига тушиш, хатто, дори-дармонлар ҳам бепул эди, бизга ажойиб хизмат қилишди. Биз ҳар куни Президентимизни дуо қилиб, маъза қилиб, дам олдик, даволандик.

Гулчехра ОТАЖОНОВА,
Гурлан тумани, ўқитувчи.

МИРИҚИБ ХОРДИК ЧИҚАРДИК

Биз бир гуруҳ болалар ўтган йилнинг 1 августидан Урганч темир йўл вокзалидан Тошкентга оромгоҳлардан бирига дам олишга жўнадик. Поездда гурун, уйинкулги, шеърхонлик давом этди. Бизга ҳамроҳлик қилган шифокор Б.Сафарбоев, соғлигимиздан огоҳ

бўлиб борди. Ҳаво ниҳоятда иссиқ, нимжон, камқонли болаларнинг йўл азобидан қийналганлари ҳам бўлди. Уларга шифокоримиз ўз вақтида тиббий ёрдам бериб турди. Биз орзиқиб кутган гўзал Тошкент шаҳрига поезд етиб келди. Махсус машиналарда ўзимизга ажратилган оромгоҳларга йўл олдик. Мени Тошкент вилоятдаги «Сумча» болалар оромгоҳига олиб боришди, у ерда бир ойга яқин дам олдим. Тошкент вилоятининг гўзал табиати, зилол сувлари катта таассурот қолдирди. Бу ерда янги дўстлар орттирдим. Дам олиш, овқатланиш, тиббий кўриқдан ўтиш, табиат бағрига саёхатлар уюштириш — ҳаммамизга жадвал асосида олиб боришди. Бу хизматларнинг барчаси бизларга бепул кўрсатилди.

Ниҳоят дам олиш понёнига етди. Барчамиз кучкуватга тўлиб, кадрдон гўшамизга қайтдик.

Б.МАТҚУБОВ,
Хива тумани, ўқувчи.

Саҳифани тайёрловчи: Э. ЭРМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН САНАТОРИЙЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

«ТУРОН». Кўп тармоқли санаторийси. Юрак-қон томир, асаб системаси, гинекологик касалликларни даволашга ихтисослашган.

«ЧИНОБОД». Овқат ҳазм қилиш аъзолари ва гинекологик касалликлари, қандли диабет. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан юқори бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«БОТАНИКА». Овқат ҳазм қилиш аъзолари ва асаб системаси касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«БЎСТОН». Юрак-қон-томир, асаб, урологик касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«СЎҚОҚ» оилавий пансионати.

«УМИД ГУЛШАНИ». Гинекологик касалликлари ҳамда бепуштлиқ билан оғриган кишилар даволанади.

«МАРҲАМАТ». Юрак-қон-томир, асаб системаси ва сурункали тери касалликларига мўлжалланган.

«НИҲОЛ». Овқат ҳазм қилиш органлари, суяк-мушак тизими, асаб системаси учун фоят фойдали.

«ОҚТОШ». Нафас органларининг туберкулёзга алоқадор бўлмаган касалликларига тавсия этилади.

«СИТОРАИ МОҲИ-ХОСА». Буйрак касалликлари (ёз фаслида). Овқат ҳазм қилиш, асаб ва таянч ҳаракати системаси учун фоятда фойдали.

«МИРОҚИ». Асаб системаси ва юрак, қон айланиши аъзолари касалликларига мўлжалланган.

«ЧИМЁН». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат органлари, асаб системаси, гинекологик ва урология касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«ЧОРТОҚ». Таянч ҳаракати системаси, овқат ҳазм қилиш органлари, асаб системаси, тери ва гинекологик касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«АБУ АЛИ ИБН СИНО» номли санаторий. Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат органлари, катталар ва болалар асаб системаси касалликлари даволанади.

«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб системаси, гинекологик ва андрологик касалликларига мўлжалланган.

«КОСОНСОЙ». Суяк-мушак, асаб системаси ва юрак-қон-томир касалликлари, овқат ҳазм қилиш органлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан бориши мумкин.

«ГУЛПАРШИН». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб системаси, гинекологик касалликлари даволанади.



Мен шундай эшитганманки, бир киши кечаси сахар вақтида, қоронгида уйдан чиқиб кетди ва ҳаммомга бормоқчи бўлди. Ўз дўстларидан бирига: «Мен билан ҳамроҳ бўлиб ҳаммомга боргил!» — деди. У деди: «Сен билан бирга бораман-у, аммо ҳаммомга тушмайман, чунки менинг бир зарур ишим бор». У киши ҳамроҳи билан ҳаммом томонга қараб кетди. Икки йўл кетган жойга бориб ҳаммомга борувчи дўстига билдирмасдан бошқа йўлга кирди. Ҳамроҳи ёлғиз ўзи ҳаммомга кетаверди ва дўстим билан келаётган деб ўйлаб бораверди. Иттифоқо, бир ўғри у кишининг изидан кетаверди, у киши буни дўстим

ОМОНАТ

деб фахмлади ва унинг кўйида юз тилласи бор эди. Ҳаммомнинг эшигида тиллани кўйидан чиқариб кеча қоронгисидан танимай халиги ўғрига берди ва деди: «Эй биродар, мен ҳаммомга кириб чиққунча, бу тилла сенда турсин, ҳаммомдан чиққанидан кейин менга топширасан».

Ривоят қилмишларки...

Ўғри тиллани олиб, ўша жойда ўтирди. У киши ҳаммомдан чиқиб, кийимларини кийиб кетаверди. Ўғри унинг орқасидан чақириб деди: «Эй жувонмард, кел, мендан олтинларингни ол. Бугун мен сенинг омонатингни сақлаб ўз ишимдан қолдим». У киши деди: «Сен кимсан, бу олтин қандай олтин?»

Ўғри деди: «**«Қобуснома»дан.**»

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак

(Боши 1-бетда).

Носирхон Тўрақуллов бу гапларни айтганига ҳам уч йил бўлай деб қолди. Ушанда 72 ёшни қоралаган, бироқ шижоати ёш йигитга менгашга муносиб бир нуруний кексанинг сўзлари ҳеч қандай бефарқ қолдирмади. Бу ташаббусни туман ҳокимлиги қўллаб-қувватлади. Шу тариқа Эшон бува мавжуд ерлари ёнидан яна 34 гектар майдонда янги ер очиб, ёш нишаётган фойдани қаерга қўяясиз. Ҳеч бизга исиниб чиқармайсиз-а? Бобонинг энсаси қотди.

— Хомтама бўлмай кўя

МАКТАБ ҚУРГАН БОБО

кол, — деди у истеҳзо билан. — Ҳар ҳолда сентга ўшаган такасалтанларга берай, деб ишлаётганим йўк.

Ўз «алам-ини одобсизлик билан изхор этган ташвишу қувончлари бор. Ҳали у керак, ҳали бу зарур деганларидек... Ҳеч ким билмас ҳам Эшон бува яхши билади: бойликнинг бир қисми экспертлари билан музокаралар ҳам олиб борди. Лекин ҳозирча уларнинг таклифи Эшон бувага маъқул тушмаётди.

— Улар кунига 1,5 тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга бўлган технологияларни ўрнатиб таклифи билан чиқишяпти, — дейди бобо ўз қарорини тушунтиришга ҳаракат қилиб. — Менга қолса 300-500 килограмм, бордингки 800 килограммгача қувватга эга бўлган технология дуруст. Чунки, маҳсулот етишмаслиги туфайли усқуналарнинг бир соат бўлсин тўхтаб қолиши зарардан бошқа нарса эмас. Бозор иқтисодиёти шароитида эса бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Бугун табарруқ инсоннинг боғлари кўзни қувнатади. Жаннатга тушиб қолгандек ҳис қиласиз ўзингизни беихтиёр. Олма дейсизми, ўрик дейсизми... Аиниқса, Эрон пистасини кўриб хайратга тушишингиз аниқ. Чунки шу пайтгача ҳеч бир боғдон уни бизнинг шароитга мослаштира олмаган эди-да!

— Кўз тегмасин, ҳосилимиз ёмон эмас, — дейди Эшон бува шундоққина қўл узатса етгудек оппоқ чўққиларга тикилиб. — Шу йилги даромаддан «Тоғчи» қишлоғига газ қувурлари тортиб келишни ўйлаб турибман. Ишқилиб, яратган эгам ниятимга етказсин, кўп вабодли иш бўларди-да...

Гўё бобонинг сўзларига саловат келтирган каби булутлар орасига яширган офтоб ҳам кулиб чиқиб келди.

ОЛТИН МЕДАЛ МУБОРАК

Яқинда Наманганга Америкадан хушxabар келди. Маблум бўлишича, АҚШда ўтказилган Атланта кубоги халқаро турнирида ўзбекистонлик спортчилар 6 та олтин, 4 та кумуш, 4 та бронза медалини кўлга киритишди. Умумжамоа ҳисобида мезбонлар биринчи, ҳамюртларимиз иккинчи ўринни эгаллашди.

Нуфузли мусобақада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган тўрақўрғонлик Анвар Алиев халқаро турнирнинг кумуш, тошбулоқлик Достон Турғунов эса олтин медали соҳиби бўлди. Наманган туман ҳокимлиги Д.Турғуновга бир миллион, вилоят спортни ривожлантириш ва спортчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси бир ярим миллион сўм маблағ билан ҳомийлик қўрсатганиди. Достон бу ишончли оқлади. Олтин медал муборак бўлсин, Достон!

Соҳиба АЪЗАМОВА,
«Ишонч» муҳбири.



Кулинг, умрингиз узаяди

Ўзбек миллий қизиқчилик ва асқиячилик санъатининг тамал тошини кўйган, миллий маданиятимизнинг ривожига улкан ҳисса қўшган Юсуфжон Шакаржонов (асли Шоқиржонов) ҳаёт бўлганларида худди шу баҳор кунларида ўзларининг 134 ёшларини нишонлар эдилар.

Марғилон шахрида қосиб оила-сида таваллуд толган, 12 ёшдаёқ қизиқчи бўлиб элга танилган, 1909 йилда Русия пойтахти Петербург шахрига бориб, ўз дастурлари билан эътирофга сазовор бўлган баъназир санъаткор биринчи ўзбек давлат этнографик-фольклор кўчма труппасининг ҳам раҳбари эди.

ЖАМҒАРМА ХОМИЙЛИГИДА

Очиг жамият — Ўзбекистон институту (Сарос жамғармаси) сайёҳаракати билан қатор китоблар босмага тайёрланмоқда. Бу на-шрлар орасида китоб-альбом кўринишидаги адабиётлар ҳам бор.

«Ўтмишга дарча: Туркистон қадимий почта маркалари саҳифаларида» деб номланган бу китоб-альбом ҳам чоп этилди. Унда ўлка-миз тарихига доир кўпгина маркалар ўз аксини топди. Уларга берилган изоҳлар ҳам қизиқиб билан ўқилади. Янги нашр Туркистон тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

ЮСУФЖОН ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАРИ

«РОМКАГА КИРИБ ОЛДИМ»

Шаҳар ижрокосининг раиси Юсуфжон қизиқни йўқлаб қолди.

— Ассалому алайкум, йўқлаган экансиз, раис!

— Бу дейман, уста, кечаги бўлиб ўтган машма-шада қизиқчилик қиламан, деб ромкадан чиқиб кетдингиз, гап эшитдик-ку!

Ижрокос идорасидан чиқиб кетган уста эртасига дераза ромини бошига кийиб, раис қабулига кириб борди.

— Бу нима қилганингиз, уста?

— Кеча ромкадан чиқиб кетдингиз деган эдингиз, бугун ромкага кириб келдим, — деди Юсуфжон қизиқ.

ТЎЙГА АЙТМАЙМАН УЛАРНИ?

— Мен уйлансам, икки кишини тўйга айтмайман.

— Кимларни айтмайсиз, Юсуфжон?

— Дадам билан бувимни.

— Ие, нега уларни айтмайсиз?

— Чунки улар ҳам тўй қилганларида мени айтишмаган.

МАСАЛА ҲАЛ

Эллигинчи йилларнинг бошларида Марғилонда атлас тўкувчи артеллар бўларди.

Ўша артеллардан бирининг раиси ўта димоғдор, такаббур, унинг устига оғзи шалоқ эди. Икки гапнинг бирида сўкиниб турарди. Артель ишчилари раиснинг ҳаракатларидан бешиб, шикоят эзишди.

Шикоятни олиб бориш, тафсилотини тушунтириш Юсуфжон қизиққа юқлатилди. Юсуфжон қизиқ ижрокоснинг масъул ходими билан артелга борди. Салом-алиқдан сўнг ижрокос ходими раисга мақсадини айтди:

— Бир гуруҳ ишчилар ус-тингиздан шикоят эзишбди. Озгингиз шалоқ экан, бўлар бўлмагасиз сўкинаверар экансиз...

Раиснинг жаҳли чиқиб, бидирлаб кетди.

— Бекор гап, тухма! Бундай шикоятни қайси хотини талоқ, хумпар ёздикин?

Юсуфжон қизиқ ижрокос ходимига қараб қулди:

— Бўлди, масала ҳал.

ЕЧ ТЎНИНГНИ

Ғира-шира пайти Юсуфжон қизиқ янги кийимларини кийиб тўйга кетаётган эди.

Муолишдан икки бозори чикди-ю, буйруқ қилди:

— Еч тўнингни!

— Ие, ёз келиб қолди-ми? Билмабмиз-а, — деди тўнини ечар экан Юсуфжон қизиқ.

Устанинг ҳозиржавоблигига қойил қолган бозорилар тўнга ҳам қарамай жўнаб қолишди.

Кибернетик ва математик олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, шохмот тахтасидаги дастлабки ўн юришдан сўнг шунчалик кўп вариантлар бўлиши мумкин эканки, уларнинг барчасини кўриб чиқиш учун ер юзидаги жами аҳоли 217 миллиард йил давомида шохмот доналарини суриши талаб этиларкан. Бу секундига минглаб операцияларни ба-жарадиган ҳозирги замон электрон ҳисоблаш машиналари учун ҳам бир неча йил давомида бажариладиган ишдир. Кўриниб турибдики, шохмотнинг 64 та катагида спорт, санъат ва турли фанларнинг сирли мўъжизалари муҳассам. Зеро, у кучли мантиқий тафаккурнинг ажойиб мактабидир.

Машҳур «Қобуснома» асари шохмотга оид ўзига хос ўғитлар билан ҳам ўқувчини ўзига жалб этади. Китобнинг «Одамлар ва шохмот ўйнаш ҳақида» деган махсус бобида шундай дейилади: «Ўйин бошланишидан ол-ўғлим, ўз ўрнида ишлатилмаган ҳазил жоҳилликка етаклайди. Агар илож топсанг, шохмот ўйнаш пайтида ҳар қандай ҳазиллардан ўзинг-»

«Қобуснома» муаллифининг бу фикрлари замондоши, хитойлик Ван Цзиюнь мулоҳазаларига ғоятда ҳамоҳангдир: «Ўзидан кучсизроқ шох-»


Шохмот ҳақида ўйлар

нашр этила бошланди. XVIII асрда Лондонда яшаган Ф.Стамма томонидан худди мусикадаги сингари шохмотда ҳам нотация — а, b, c, d, e, f, g, h кашф этилди (Унинг 1837 йилги «Шохмот ҳақида тажриба» деб номланган китоби француз тилида чоп этилган). Нотациянинг кашф қилинганлигининг афзаллиги шундаки, сиз рақибингиз билан ўйнаган барча партияларни ёзиб бориш, ютук ва камчиликларингизни ўрганиб чиқиш, шунингдек, машҳур гроссмейстерлар ўйнаган партияларни таҳлил қилиш имкониятига эга бўласиз.

Анвар ИНОҚОВ, шохмот бўйича спорт усталлигига номзод.

ТУРГАН-БИТГАНИ МЎЪЖИЗА

ди ҳеч қачон биринчи бўлиб дона танлашга шошилма. Бу ишни хурмат юзасидан рақибингизга ҳавола эт ва ҳар доим уни биринчи бўлиб юришга даъват эт. ...Муттаҳамлар, ёлгончилар, аёллар ва болалар билан, ўзини тутта билмайдиганлар билан пул-матга ҳеч қачон шохмот ўйнама. ...Ўзингни яхши ўйинчи деб ҳисобласанг, ҳеч қачон жиззаки одамлар билан ўйнама. Акс ҳолда кўп ўтмай ўзинг ҳам улар қаторига қўшилсан.» Кайковус насиҳатларини яна давом эттириб, «Билиб қўй,



1. Диаграммада оқлар бошлаб дурангга эришади.
2. Диаграммада оқлар бошлаб ютади.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Мамура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Турфа олам

ЎЗАРО ТАЪСИР

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти даврида кунига юзлаб ахбороти қабул қилиб, уларни тегишли жойда ишлатиш бош миядан маълум даражада фаоллик талаб қилади. Бунга ўзлаштириш учун бош мия ривожланиш вақтида керак бўлмаган ахборотдан соқит бўлиб, бир тилга монанд фаолият кўрсатиши лозим. Бунинг учун ҳар бир инсонни болалигидан ўз она тилига ўргатиш даркор.

Маълумки, ҳар бир тилда турли маънода ишлатиладиган ўзига яраша сўзлар ва шунга мос ишоралар бор. Агар бир хил миллат яшайдиган туман, вилоят, республикага бошқа бир миллат вакили келиб туриб қолса, шу миллат тилидаги сўзларни ишлатиш натижасида юз мушаклари ва ўзига хос бошқа ҳаракатлари аста-секин шу миллатникига ўхшаб боради. Бир қанча вақтдан сўнг унинг хатто ташқи кўринишини ҳам шу миллатникидан ажратиб бўлмаслиги мумкин.

Бир тилни қанчалик яхши, тоза ва мукамал эгалласангиз, бошқа тилларни эгаллаш шунчалик осонроқ кўчади, бу тилларда суҳбатлашиш раво ва силлиқ бўлади.

ЎҚИМТОЙ ОВОЗ СЕҲРИ

Япониянинг Ураў шаҳри чорраҳаларида янгича яшил чироқлар ишлаб турибди. Қизил чироқ ёниши олдиндан жуда ёқимли аёл овози янграб, йўловчиларнинг тўхтаб, яшил чироқни кутишлари сўралади.

Яшил чироқ ёниши олдиндан эса «Азизлар, чорраҳа йўли сиз учун очик, кўрсатилган йўлдан бемалол ўтаверинг!» деган сўзлар майин товушда эшитилади.

Ўқимтой овознинг кучи сеҳриданми, бу шаҳарда шу маҳалгача биронта пиёда йўл қойдасини хали бузганча йўк.

ЭНГ УЛКАН МАҲЛУҚ

Колорадо платоси (АҚШ)нинг жануби-ғарбидида тоғлардан қадим замонларда яшаб ўтган ҳайвонларнинг қабристонини топилиди. Бу ерда гаройиб учар калтаке-сақлар, бесўнақай тошбақа ва динозаврларнинг тошга айланган суяклари қўллаб қазиб олинди.

Узунлиги салкам уч метрли суяк ҳам топилиди. У брахиозавр деган ҳайвоннинг кураги бўлиб чиқди.

Курак суягининг ўлчамларига қараганда, бу маҳлуқ ер юзида барча замонларда яшаб ўтган ҳамма мавжудотлар орасида энг улкани экан. Баҳайбат жони-ворнинг бўйи 25 метр бўлган, вази эса 80 тоннадан ҳам ортган. Бу — замонавий тепловознинг оғирлиги билан тенг.

Бўйининг ўзи 12 метр келадиган бу маҳобатли маҳлуқ бошини ҳозирги беш қаватли уйлارнинг томига қўя олар эди. Унга «Ультразавр» деган ном беришди.

А. АЛИЕВ.

Махсуснинг 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва саҳифаланди. Фотот ускунада босилди. Ўлчами А-2. Ҳажми 2 босма тираж. Сатубада эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.